

О.О. ҲУСАНБОЕВ

# ХУҚУҚНИ ҚҮЛЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ

---

Ўкув-услубий қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

О.О. ҲУСАНБОЕВ

**ҲУҚУҚНИ ҚҮЛЛАШ:  
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Ўқув-услубий қўлланма**

**ТОШКЕНТ – 2019**

Тошкент давлат юридик университети Ўқув-услубий кенгашининг 2019 йил 24 июндаги 5-сон мажлиси қарори билан нашрға тавсия этилган.

**УДК: 34 (07) (575.1)**

**Ҳусанбоев О.О.** Ҳуқуқни қўллаш: назария ва амалиёт масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент: ТДЮУ, 2019. – 48 б.

**Масъул муҳаррир:**

**М.Нажимов,**  
юридик фанлари номзоди,  
профессор

**Тақризчилар:**

**Ш.Сайдуллаев,**  
юридик фанлари номзоди, доцент

**Р.Юсувалиева,**  
юридик фанлари номзоди, доцент

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” модули доирасида “Ҳуқуқни қўллаш: назария ва амалиёт масалалари” бўйича тайёрланган бўлиб, унда ҳуқуқни қўллаш тушунчаси, шакллари ва босқичлари, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари хусусияти, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқлари, қонун ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятлар ва уларни ҳал этиш усуллари каби масалалар атрофлича баён этилган. Шунингдек, ўқув-услубий қўлланмада мавзуга оид тақдимотлар, муаммоли саволлар, тестлар ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Ўқув-услубий қўлланма олий юридик таълим муассасалари талабаларига ва ҳуқуқни қўллаш масалаларига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	4
1. Хуқуқни қўллаш – хуқуқни амалга оширишнинг махсус шакли сифатида .....	6
2. Хуқуқни қўллаш жараёни босқичлари .....	12
3. Хуқуқни қўллаш ҳужжатлари тушунчаси ва хусусиятлари ....	15
4. Қонун ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятлар ва уларни ҳал этиш усуллари.....	22
Мавзуга оид тақдимотлар .....	28
Муаммоли саволлар .....	31
Тестлар .....	35
Тавсия этиладиган адабиётлар .....	43

## КИРИШ

Демократик жамиятда ҳуқуқ доимо адолат мезони бўлиб келган. Ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилар ёки маъқулланар экан, ўз мазмун – моҳиятида инсонпарварлик, адолатпарварлик, демократизм ва тенглик каби ғояларни ифодаламоғи лозим. Ҳуқуқ нормаларида ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари белгилаб қўйилиши уни ижод қилиш ва амалга ошириш масалаларини ўрганишга долзарб аҳамият касб этади. Олий ўкув юртлари бакалавриатининг “юриспруденция” йўналишида таълим оладиган талабалар “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” модули доирасида ҳуқуқшуносликнинг бошқа долзарб масалалари қаторида “ҳуқуқни амалга ошириш” мавзусини ҳам ўрганадилар.

Чунки мазкур мавзуни ўрганмасдан туриб, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқ ижодкорлиги, қонунийлик ва ҳуқуқий – тартибот ҳамда юридик амалиёт каби масалалар ҳақида тўлик тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Маълумки, ҳуқуқни амалга ошириш деганда, ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳуқуқ нормаларида белгилаб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланиш, ҳуқуқ нормалари талабларига риоя этиш, уларни бажариш ҳамда ваколатли ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқни қўллашга қаратилган фаолиятлари мажмуи тушунилади. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари орасида ҳуқуқни қўллаш муҳим ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соаларида олиб борилаётган ислоҳотларда ҳуқуқни амалга ошириш, хусусан ҳуқуқни қўллаш жараёнини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ҳуқуқни қўллаш жараёнини такомиллаштириш максадида қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари улар кучга кирган пайтдан бошлаб қўшимча равишда ички идоравий хужжатларни қабул қиласдан, ижроси таъминланиши зарурлиги белгилаб қўйилди. Ҳуқуқни қўллашнинг назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган мазкур ўкув – услугий қўлланма

давлат таълим стандартларига ва Тошкент давлат юридик университетида тасдиқланган ўкув дастурига мос равища тайёрланган.

Маълумки, сўнгги йилларда ҳукуқшунос олимларимиз томонидан ўзбек тилида “Давлат ва ҳукуқ назарияси” модулига оид кўпгина дарслик ҳамда ўкув қўлланмалари чоп эттирилди. Лекин, ҳукуқни қўллаш масалаларига бағишланган маҳсус ўкув–услубий қўлланма нашр этилмаган эди. Мазкур ўкув–услубий ўзига хос ёндашувлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланган бўлиб, талабалар ва ҳукуқни қўллашнинг долзарб муаммоларига қизиқувчи мутахассислар учун қўшимча манба бўлиб хизмат қиласади, деган умиддамиз.

## **1. ҲУҚУҚНИ ҚҮЛЛАШ – ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАХСУС ШАКЛИ СИФАТИДА**

Қонун ва қонуности ҳужжатлари ижтимоий ҳаётда тўлиқ амалга оширилган тақдирдагина, у мазмун – моҳият касб этади ва жамият учун аҳамиятга эга бўлади. Ҳуқуқ номоддий кўринишга эга бўлса ҳам, у кишиларнинг фаолиятларида, фаол хулқи ва юриш-туришларида, уларнинг моддий ва маънавий қадриятлардан фойдаланганларида татбиқ этилиб, моддийлашади.

Юридик адабиётларида ҳуқуқни амалга ошириш хусусуда турлича қарашлар ўз ифодасини топган. Масалан, ҳуқуқий давлат назариясини фалсафий жиҳатдан асослаб берган олимлардан бири И.Кант ҳуқуқни амалга ошириш юзасидан қўйидагича фикрларни илгари сурган: “Ҳуқуқнинг амалга оширилиши унинг умуммажбурий бўлишини талаб этади... Ҳуқуқ мажбурий куч ишлатмасдан ўз функциясини амалга оширишга қодир эмас ва қатъий императив умумий қонун сифатида ўз муқаррарлигидан маҳрум бўлади. Ҳуқуқни мажбурий куч билан факат мажбуриятнинг асл ва бирламчи эгаси- давлат таъминлай олади. Шуниси ҳам борки, давлатчилик ҳуқуқقا ҳаёт бағишлайди ва қатъий императив талабларини оқлайди”<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Сайдуллаев эса, “ҳуқуқни амалга ошириш – бу давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқуқ нормаларини кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятларида ҳаётга татбиқ этилишидир”<sup>2</sup>, деган таърифни берган.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни қўллаш – ҳуқуқни амалга оширишнинг энг муҳим шакли ҳисобланади. Шу сабабли, ҳуқуқни қўллаш муаммоларини батафсил ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаб олиш учун ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

<sup>1</sup> Сайдов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий –ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция/ Таржимон М.Акбаров. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012. – 67 б.

<sup>2</sup> Сайдуллаев Ш. Ҳуқуқни амалга ошириш. Ўкув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2019. –Б.8.

Хуқуқ нормаларини қўллаш ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахслар томонидан муайян ҳуқуқий вазиятлар учун индивидуал аниқ кўрсатма (қарор, буйруқ, фармойиш) чиқариш орқали ҳуқуқ нормаларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятдир.

Ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий тартибга солишининг юридик механизмида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг муайян муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва тўхтатилишига йўналтирилган маҳсус қарорлар қабул қилиш мақсадида амалга ошириладиган ҳукмли фаолият сифатида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим В.В.Лазаревнинг фикрича, ҳуқуқни қўллаш жараёнининг давлат-ҳокимий характерга эга эканлигини эътироф этмаслик, юридик фаннинг ҳозирги пайтдаги тараққиёти эришган марралардан орқага қайтишни англатиши мумкин, ҳуқуқни амалга оширишнинг турли-туман шакллари ҳақидаги тасаввурларимизни торайтириши ва шу тариқа ҳуқуқни амалга оширишни фақат ҳуқуққа риоя этиш ва ҳуқуқни қўллаш билан чегаралаб қўйиши мумкин. Оқибатда эса, давлат органларининг маҳсус ҳокимий фаолиятини ва ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқни ижро этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги фаолиятини аралаштириб юбориш мумкин<sup>2</sup>.

Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқни қўллаш муаммолари илмий мунозара қилинар экан, ушбу жараёнга давлатнинг тегишли органи аралashiшини, иштирокини талаб этиши эътироф этилган.

Ҳуқуқшунос олима М.А.Ахмедшаеванинг таъкидлашича, “ҳуқуқни қўллаш жараёни, бу – қонунда белгиланган процессуал тартибда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан, ҳуқуқ нормасини ҳаётий ҳолат ва вазиятларга қўллаш йўли билан муайян юридик аҳамиятга молик масалани ҳал этишга қаратилган давлат фаолиятидир”<sup>3</sup>.

Бу борада россиялик олимларнинг баъзи таърифларини келтириб ўтиш мақсадга мувофик. Хусусан, Н.Н.Вопленко

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – Б.814.

<sup>2</sup> Каранг.: Общая теория права и государства. // Под общ. ред. В.В.Лазарева. – М.: Юристъ, 1996. – С.221.

<sup>3</sup> Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. – Т.: ТДЮУ, 2018. – Б. 207.

хуқуқни қўллашнинг қўйидагича ўзига хос таърифини кўрсатиб ўтади: “ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунчиликка асосан ва уни ижро этиш мақсадида индивидуал хуқуқий кўрсатмаларни чиқариш йўли билан юридик ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича ҳокимий ташкилий фаолиятидир”<sup>1</sup>. Бизнинг фикримизча, олимнинг мазкур таърифларидан келиб чиқсан ҳолда, хуқуқни қўллаш фаолиятининг қўйидаги белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- а) хуқуқни қўллаш ҳокимий фаолият бўлиб, унда маҳсус субъектлар иштирок этадилар;
- б) хуқуқни қўллаш бошқарув билан боғлиқ;
- в) хуқуқни қўллашнинг натижаси сифатида доимо индивидуал кўрсатмалар чиқарилади;
- г) ушбу фаолият процессуал жиҳатдан тартибга солинган бўлади;
- д) хуқуқни қўллаш фаолияти ақлий-ижодий мазмунга эга;
- е) хуқуқни қўллаш фаолиятининг вужудга келиши учун маҳсус сабаблар зарур бўлади.

В.И.Леушин ҳам хуқуқни қўллашнинг юқоридагиларга ўхшаш белгиларини кўрсатиб ўтган:

- а) давлат ҳокимий функцияга эга бўлган давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;
- б) индивидуал характерга эга;
- в) конкрет хуқуқий оқибатларни – субъектив хуқуқ ва мажбуриятларни ҳамда жавобгарликни белгилашга йўналтирилган;
- г) қонунда белгиланган тартибдаги процессуал шаклларда амалга оширилади;
- д) хуқуқни қўллаш жараёни бевосита индивидуал юридик қарор қабул қилиш билан якунланади<sup>2</sup>.

У, шунингдек хуқуқни қўллашнинг ушбу белгиларини синтезлаган ҳолда, қўйидагича таърифни таклиф этган: „хуқуқни қўллаш – бу ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг юридик фактлар ва аниқ хуқуқ нормалари асосида юридик ишни

<sup>1</sup> Каранг: Вопленко Н.Н. Реализация права: Учебное пособие. – В.: ВГУ, 2011. – С.21.

<sup>2</sup> Леушин В.И. Реализация и применение права. Юридический процесс // Теория государства и права. –М.: Норма, 2012. –С.399.

ҳал этиш бўйича индивидуал ҳарактердаги қарорни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ҳокимий фаолиятидир”<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда ҳуқуқни қўллаш белгилари қуидагилардан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

**1)** давлат ҳокимиятида ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;

**2)** индивидуал хусусиятга эга бўлади;

**3)** муайян ҳуқуқий оқибатларни, яъни субъектив ҳуқук ва юридик мажбуриятлар, жавобгарликни ўрнатишга йўналтирилган бўлади;

**4)** маҳсус белгиланган процессуал шаклда амалга оширилади;

**5)** индивидуал хусусиятга эга бўлган маҳсус ҳуқуқий хужжат чиқариш билан яқунланади.

Таъкидлаш жоизки, олимнинг ҳуқуқни қўллаш тушунчасига берган таърифи ҳаддан ташқари кенгайиб кетган. Ваҳоланки, ҳар бир тушунчада ушбу воқеликнинг энг муҳим ва бирламчи элементлари аниқ ва равон синтезлаштирилган бўлиши керак.

Баъзи ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқни қўллашнинг методологик муаммоларини ўрганиб, ҳуқуқни тушуниш муаммосини ечмай туриб, ҳуқуқни қўллашга таъриф бериб бўлмайди, деб ҳисоблашади. Хусусан, Ю.А. Тихомировнинг фикрича, ҳуқуқни қўллашнинг умумий тушунчасини шакллантиришнинг муҳим ва зарур шарти бўлиб ҳуқук тушунчаси масаласини ечиш ҳисобланади ҳамда ўрганилаётган тушунчанинг объектини (ҳуқуқни) аниқлаштирмасдан туриб, унинг мазмун-моҳиятини англаш мантиқсиздир<sup>2</sup>.

**Ҳуқуқни қўллаш** – ҳуқук нормалари талабини амалга оширишнинг асосий шаклларидан биридир. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳуқук нормасини тўла-тўқис татбиқ этиш учун ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг аралашуви талаб этилган ҳолларда заруриятга айланади. Ҳуқуқни қўллаш

<sup>1</sup> Леушин В.И. Реализация и применение права. Юридический процесс // Теория государства и права. –М.: Норма, 2012. –С.398.

<sup>2</sup> Қаранг: Правоприменение: теория и практика / Отв. ред. Ю.А. Тихомиров. – М.: Формула права, 2008. – С. 13.

фаолияти ҳокимий характерга эга. Унда қарор тегишли органнинг иродаси маҳсули сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги қонунийлик талаби ҳуқуқни кўллаётган орган муайян ҳолатни ҳал этишда албатта, ҳуқуқка асосланишини назарда тутади. Айни пайтда ушбу талаб ҳал қилиниши лозим бўлган ишни кўриб чиқишининг белгиланган тартиботига тўла ва қатъий амал қилиниши кераклигини англатади.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнига нисбатан қўйиладиган талаблардан бири – бу унинг асослантирилганлигидир. Бу талаб шуни англатадики, биринчидан, ишга дахлдор бўлган барча факт ва ҳолатлар аниқланган бўлиши керак; иккинчидан, аниқланган фактлар синчиклаб ўрганилиши ва холисона баҳоланиши ва ишончли деб топилиши лозим; учинчидан, барча исботланмаган ва шубҳа уйғотган фактлар рад этилиши керак.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнига нисбатан қўлланиладиган мақсадга мувофиқлик талаби мазмунан мураккаб бўлиб, у ўзида икки жиҳатни қамраб олган: биринчидан, қонун чиқарувчи томонидан қабул қилинган ҳар қандай норматив ҳужжат ва ундаги нормалар мақсадга мувофиқ, шу боис ҳам улар қабул қилинган. Муайян муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи натижасида бу норматив ҳужжат ва ундаги нормалар қабул қилинган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, ҳуқуқдаги мақсадга мувофиқлик – бу муайян давлат органи ёки мансабдор шахс фаолиятининг қонун доирасида муайян шароитга ва вақтга, ҳаётий ҳолатга мувофиқ келишидир.

Бироқ, ҳуқуқ нормаси умумий характерга эга бўлганлиги боис, у доимо ҳам у ёки бу ҳолатларга энг мақбул даражада мос келавермайди, чунки қонун ҳужжатида барча ҳаётий ҳолатларни ва уларнинг индивидуал характердаги жиҳатларини назарда тутишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Шу боис ҳам ҳуқуқ нормасида ҳаракатнинг чегараси ва доираси кўрсатилади, мана шу доира ичида ҳуқуқни қўлловчи аниқ ҳаётий ҳолатнинг жиҳатларини эътиборга олиши мумкин бўлади.

Шу муносабат билан аниқ, индивидуал ҳолатга энг кўп даражада мос келадиган ечим ва қарорни топа билиш – муҳим вазифа ҳисобланади. Демак, ҳуқуқни қўлловчи орган, қонунга

тўла риоя этган ҳолда, аниқ ҳуқуқий ҳолатни ҳал этишда ҳуқуқ нормаси доирасида энг тўғри, мақсадга мувофиқ келувчи қарорни қабул қилиши мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнига нисбатан қўйиладиган талаблар ичидаги адолатлилик талаби ўзига хос ўрин тутади. Чунки ижтимоий адолат бу ҳуқуқнинг асл моҳиятини ва ижтимоий вазифасини ташкил қиласиди. Ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги адолатлилик бу ҳалқ ва давлат нуқтаи-назаридан, ҳуқуқни қўлловчи шахснинг ва атрофдагиларнинг қабул қилинган қарорнинг тўғрилигига ишониши, қарорнинг ахлоққа, адолатга, умуминсоний қадриятларга мослигидир.

Шундай қилиб, ҳуқуқни қўллашга оид фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, ҳуқуқни қўллаш – ҳуқуқни амалга оширишнинг маҳсус шакли эканлигини ҳамда қатор ўзига хос жиҳатларга эгалигини қайд этиш мумкин. Қўйидагилар унинг энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади:

1) ҳуқуқни қўллаш ҳокимий ваколатларга эга субъектлар томонидан амалга оширилади. Ҳуқуқни қўлловчи субъектлар ўз ҳатти-харакатларини қатъий процессуал тартибга кўра амалга оширадилар;

2) ҳуқуқни қўллаш фаолияти натижаларининг объективлашуви расмий юридик ҳужжатларда – ҳуқуқни қўллаш актларида намоён бўлади;

3) ҳуқуқни қўллаш ижтимоий-ҳуқуқий соҳада давлат бошқарувини ташкил этишга қаратилган бўлади. Ҳуқуқни қўллашнинг асосини ижтимоий муносабатларни давлат-ҳуқуқий тартибга солиш принципи ташкил қиласиди.

## **2. ҲУҚУҚНИ ҚҮЛЛАШ ЖАРАЁНИ БОСҚИЧЛАРИ**

Ҳуқук қўллаш жараёни – бу қонунда белгиланган процессуал тартибда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан, ҳуқук нормасини ҳаётий ҳолат ва вазиятларга татбиқ этиш йўли билан, муайян юридик аҳамиятга молик масалани ҳал этишга қаратилган давлат фаолиятидир. Ҳуқуқшунос Я.Н.Казанковнинг фикрларига кўра, ҳуқуқни қўллаш жараёни бир неча босқичларга бўлинади.”Ҳуқуқни қўллаш жараёнини ташқи (ўз ичига қатор жараёнлар босқичини қамраб олувчи ҳуқуқни қўлловчи томонидан юридик ишни кўриб чикиш жараёни )ва ички томондан (ҳуқуқни қўлловчи томонидан ишни таҳлил қилишдаги мантиқий фикрлаш фаолиятини ифодалайди)қараб чикиш мумкин”<sup>1</sup>.

**Ҳуқуқни қўллаш жараёни ўз ичига қўйидаги босқичларни қамраб олади:**

- 1) ҳуқук нормалари билан тартибга солиниши лозим бўлган юридик ишнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш;
- 2) кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқук нормасини танлаб олиш;
- 3) кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқук нормасининг мазмунини аниқлаш ва уни шарҳлаш;
- 4) кўрилаётган масалага оид танлаб олинган ҳуқук нормасини қўллашга қаратилган ҳужжатни чиқариш;
- 5) ҳуқуқни қўллаш ҳужжати чиқарилгандан сўнг, унинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;
- 6) ҳуқуқни қўллаш ҳужжатининг амалда бажарилишини текшириш ва унинг устидан назорат ўрнатиш.

Ҳуқук нормалари билан тартибга солиниши лозим бўлган юридик ишнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш босқичида бевосита ишга дахлдор юридик аҳамиятга молик фактлар, далиллар йифилади, тўпланади.

---

<sup>1</sup> Казанков Я.Н. Пределы познания в применении права // Сибирский юридический вестник. 2016. –№3 (74). –С. 20 .

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг учинчи бўлимида далиллар тушунчаси, исбот қилишнинг умумий шартлари, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент, олиб қўйиш ва тинтуб, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, экспертиза текширувлари учун намуналар олиш, нарсалар ва хужжатларни тақдим қилиш, нарса ва хужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш каби ҳолатларнинг процессуал жиҳатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Хуқуқни қўллаш жараёнининг иккинчи босқичи кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаб олиш ҳисобланади. Бунда энг муҳим вазифа-айнан мана шу юридик вазиятга мос келадиган ҳуқуқий нормани топиш ҳисобланади. Кўпинча амалиётда қонун билан бир қаторда қонун ости хужжатлари билан ишлашларига тўғри келади, ўз навбатида қонун ости хужжатлари тез-тез ўзгариб туриши, масалани жуда синчиклаб билан ўрганишни тақазо этади.

Навбатдаги босқичда кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасининг мазмунини аниқлаш ва уни шарҳлаш амалга оширилади. Бу босқичда гипотеза ва диспозицияда кўрсатилган ҳолатлар атрофлича таҳлил этилиши лозим.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг тўртинчи босқичи-кўрилаётган масалага оид танлаб олинган ҳуқуқ нормасини қўллаш, яъни қарор чиқариш ва тегишли ҳуқуқни қўллаш хужжатини қабул қилиш ҳисобланади. Бундай қарорнинг мазмуни ишнинг фактик ҳолатларига боғлик ҳолда белгиланади.

Иш юзасидан қарор чиқаришнинг икки жиҳати мавжуд:

қарор қабул қилиш – ақлий фаолият бўлиб, у йиғилган далилларни баҳолаш ва узил-кесил юридик тавсифлашда ифодаланади. Натижада юридик ишдаги тарафлар учун юридик аҳамиятга молик субъектив ҳуқуқ ёки мажбуриятлар вужудга келади;

ишининг ҳал этилиши ифодаси бўлиб, юридик аҳамиятли ҳужжат – ҳуқуқ қўллаш ҳужжати ҳисобланади ва унда юқоридаги юридик ишни ҳал этиш бўйича амалга оширилган фаолият натижаси, томонлар учун вужудга келган юридик оқибатлар ўзининг ифодасини топади. Ҳуқуқ қўллаш ҳужжатлари ҳуқуқий тартибга солиш механизмида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Лекин шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш оддийгина жараён эмас ва шунинг учун ҳам ҳуқуқшунос амалиётчи ходимларда муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, Россияда бир неча йил олдин ўтказилган социологик тадқиқотларга кўра, “қайси масалалар ҳуқуқни қўллашда энг кўп қийинчилик келтириб чиқаради”, деган саволга сўровномада қатнашган жами 798 та ҳуқуқшунос (шулардан, 109 судья, 106 прокурор, 137 терговчи, 103 адвокат, 111 юрисконсультант, 115 нотариус, 119 суд пристави)ларнинг 28,1 фоизи биринчи ўринга ҳуқуқни шарҳлаш ва ҳуқуқни қўллаш нормалари мазмунини таҳлил қилишни қўйишиган.

18,3 фоиз респондентлар қарор қабул қилишни, 17,6 фоиз ҳуқуқшунослар эса, ишининг ҳолатини ўрганиш ва унга баҳо беришни муҳим, деб ҳисоблашган ҳамда 16,6 фоиз респондентлар қарор қилиш жараёни ва унинг ижросини назорат этишни бирламчи эканлигини эътироф этишган. Сўровномада қатнашган қолган респондентлар ҳуқуқни қўллаш жараёнининг бошқа босқичлари муҳим эканлигини кўрсатиб ўтишган”<sup>1</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган мисолдан ҳам кўриниб турибдики, ҳуқуқни қўллаш масаласи уни қўлловчи ваколатли субъектлардан етарлича назарий билимлар ва амалий тажрибаларга эга бўлишни тақозо этади.

Шундай қилиб, ҳуқуқни амалга оширишдек мураккаб ва масъул жараённинг муҳим шакли бўлган ҳуқуқни қўллаш жараёнида амалдаги ҳуқуқ нормалари аниқ бир юридик аҳамиятли вазиятга татбиқ этилиб, унинг натижасида ҳуқуқни қўллаш ҳужжати қабул қилинади.

Ҳуқуқни қўллаш жараённинг сўнгги босқичларида ҳуқуқни қўллаш ҳужжатининг бажарилишини таъминлаш чора-

<sup>1</sup> Певцова Е.А., Соколов Н.Я. Профессиональное суждение юристов о проблемах правоприменения //Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция, 2018. –№1. –С. 24-26.

тадбирларини кўриш ва унинг амалда бажарилишини назорат қилиш ишлари амалга оширилади.

### **3. ХУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

Маълумки, хуқуқни қўллаш жараёни ваколатли субъектларнинг расмий ёзма акт-ҳужжатни қабул қилиши билан якунланади. Аниқ давлат органлари ва шахсларга нисбатан мажбурий, бажарилиши лозим бўлган ҳамда ҳокимий амр сифатида юзага келувчи хуқуқни қўллаш ҳужжатида давлатнинг кучи ва иродаси ўз аксини топади. Мазкур ҳужжатда қўйилган талабларни бажармаганлик учун айбор шахс тегишли тартибда жавобгар бўлади.

Хуқуқни қўллаш ҳужжатлари мураккаб хуқуқий воқелик бўлиб, улар иқтисодий ривожланиш даражасини ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иктисодий мақсадларини акс эттиради. Шу ўринда хуқуқни қўллаш ҳужжати тушунчасига таъриф беришдан олдин, ушбу тушунча юридик фанда бир хил талқин қилинmasлигини қайд этиш лозим. Масалан, хуқуқшунос олим З.М.Исломов хуқуқни қўллаш ҳужжатининг қуйидаги таърифини таклиф этган:

“Хуқуқни қўллаш акти – бу давлат-ҳокимият хусусиятига эга, индивидуал-белгиланган ҳужжат бўлиб, у ваколатли субъект томонидан субъектив хуқуқлар ёки юридик мажбуриятлар мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш ҳамда тегишли хуқуқий нормалар асосида ва уларнинг норматив амалга оширилиши манфаатини кўзлаб улар мезонини белгилаш мақсадида муайян иш юзасидан тузилади”<sup>1</sup>.

Шунингдек, хуқуқшунос Р.Р.Палеханинг ёзишича, “хуқуқни қўллаш ҳужжатлари – реал ҳаётий ҳолатлар ва уларнинг юридик квалификация ўз аксини топган хуқуқни қўллаш субъектларининг ҳужжатларидир. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати – бу хуқуқни қўллаш фаолиятининг мажбурий таркибий қисми бўлиб,

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва хуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – 916 б.

у мазкур жараённинг якунловчи босқичи натижаларини акс эттиради<sup>1</sup>.

“Н.Н.Вопленконинг фикрича эса, “хуқуқни қўллаш хужжати – бу ваколатли давлат органининг индивидуал-ҳокимий кўрсатмани ўз ичига олувчи юридик иш бўйича қароридир. Бошқача айтганда, расмий шаклда ифодаланадиган индивидуал аниқ давлат-ҳокимий кўрсатмалардир”<sup>2</sup>.

Хуқуқшунос олим В.И.Леушиннинг таъриф беришича, “хуқуқни қўллаш хужжати – бу ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахснинг юридик фактлар ва хуқуқ нормаси асосида чиқарадиган, конкрет шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини ёки юридик жавобгарлиги доирасини белгилайдиган хуқуқий хужжатдир”<sup>3</sup>.

Демак, хуқуқни қўллаш хужжати – бу юридик иш бўйича муайян шахс(лар)нинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва уларнинг юридик жавобгарлик даражасини белгиловчи, юридик фактлар ва хуқуқ нормаларига асосланиб ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган хуқуқий акт.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, хуқуқни қўллаш хужжатини ҳар қандай субъект эмас, балки қонун билан қатъи белгилаб қўйилган ва маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларгина амалга оширадилар. Шу ўринда хуқуқни қўллаш хужжатлари аниқ хуқуқ субъектига йўналтирилган бўлишини таъкидлаш жоиз, ҳолбуки норматив-хуқуқий хужжатлар эса кўпчиликка қаратилган бўлади. Хуқуқни қўллаш хужжатлари хуқуқ нормаларида мустаҳкамланган қоидаларни аниқ ҳолатга, вазиятга қўллаш демакдир. Бунда аниқ хуқуқ субъектининг хуқуқ ва мажбуриятлари конкретлаштирилади ёки хуқуқ субъектининг жавобгарлик доираси белгиланади.

Хуқуқни қўллаш жараённинг мантиқий хуқуқий якуни сифатида хуқуқни қўллаш хужжатлари тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан аниқ бир хуқуқий аҳамиятга эга бўлган масалани ҳал этиш юзасидан қабул қилиниши. Маълумки,

<sup>1</sup> Карап: Палеха Р. Р. Природа правоприменения как особой формы реализация права: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. - Елец, 2006. – С.10.

<sup>2</sup> Карап: Вопленко Н.Н. Реализация права: Учебное пособие. – В.: ВГУ, 2011. – С.35.

<sup>3</sup> Леушин В.И. Реализация и применение права. //Теория государства и права. –М.: Норма, 2012 –С.402.

инсон ва фуқаролар ижтимоий ҳаётда кўпгина масалалар бўйича тегишли субъектларга – давлат органлари ёки мансабдор шахсларга мурожаат этадилар ва улар эса ўз навбатида бу масалани ҳал этиб, тегишли қарорга келиб, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини чиқарадилар.

Шу жиҳатдан қаралганда, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари жуда кўп ва кенг масалалар бўйича қабул қилинишини қайд этиб ўтиш зарур. Жумладан, фарзанд туғилгани, кимнингдир вафот этганлиги, пенсия таъминоти, никоҳдан ўтиш, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш, ер участкаси олиш каби минглаб ҳолатларда фуқаролар тегишли орган ва ташкилотларга мурожаат этадилар. Мазкур мисолдан кўриниб турибдики, бу масалаларнинг ҳал этилиши – маҳсус субъектларнинг, яъни давлат органи ёки мансабдор шахснинг ваколатли тарзда иштирокини, қарорини тақозо этади.

Юқоридаги фикрлар асосида ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилиши;
- ҳужжатлар қатъий индивидуаллашганлиги, уларнинг муайян шахс ва вазиятларга нисбатан қаратилганлиги;
- давлат томонидан таъминланиши;
- ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг бир маротаба қўлланилиши ва шу билан ўз вазифасини тамомлаши.

Шу ўринда ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари мазмунан ва шаклан жуда хилма-хиллиги туфайли адабиётларда уларнинг турли-туман таснифлари келтириб ўтилганлигини этироф этиш ўринлидир. Россиялик ҳуқуқшунос олима Л.А. Морозова ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг қуйидаги таснифини келтириб ўтган:

1. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятига кўра ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи актларга бўлинади. Ижро этувчи (ҳуқуқ белгиловчи) ҳуқуқни қўллаш актлари субъектларининг ҳуқуқий хулқ-атвори билан боғлиқ аник ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келишини тасдиқлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи актлар профилактика мақсадида ёки ҳуқуқ нормаларини содир этилиши мумкин бўлган

хукуқбузарликлардан қўриқлайди. Масалан, тергов, суд ва прокуратура органлари актлари.

2. Ҳукуқни қўллаш субъектларига кўра давлат бошлигининг актлари, ҳукумат актлари, юрисдикция органлари актлари ва давлат бошқаруви актларига бўлинади.

3. Шаклига кўра Президентнинг норматив хусусиятга эга бўлмаган фармонлари, буйруқлар, баённомалар, қарорлар ва бошқалар.

4. Қабул қилиш (жараёни )усулига кўра актлар коллегиал ва индивидуал бўлиши мумкин.

5. Ҳукуқий аҳамиятига кўра ҳукуқни қўллаш актлари асосий ва ёрдамчи актларга бўлинади. Асосийларга одатда судларнинг фуқаролик ишлари бўйича қарорлари, ҳукмлар, ижтимоий таъминот органининг пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарори киради. Ёрдамчи актлар гуруҳини воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, юзлаштириш, тиббий экспертиза тайинлаш тўғрисида суднинг қарори, даъвони таъминлаш учун мулкни таъқиққа олиш ва бошқалар ташкил қиласди.

6. Ҳукуқни қўллаш қарорини ифодалаш усулига кўра актлар қўйидагича бўлинади:

а) актлар – ҳужжатлар;

б) актлар – ҳаракатлар (масалан, гувоҳни суд залидан чиқариб юбориш);

в) актлар – белгилар (йўл белгилари, таъқиқловчи ҳудудни белгилаш).

7. Амалда бўлиш вақтига кўра, актлар бир марталик (бир вазиятда) амалда бўлувчи (масалан, жамоат транспортида чиптасиз юрганлик учун назоратчи томонидан ундириладиган жарима) ва узоқ вақт амалда бўладиган (масалан, белгиланган пенсияни тўлаш, суд ҳукмининг амал қилиши) актлар бўлиши мумкин”<sup>1</sup>.

Айни пайтда ҳукуқни қўллаш ҳужжатларини ижтимоий муносабатларга таъсири характерига кўра: регулятив-тартибга солувчи ва қўриқловчи – муҳофаза этувчи ҳукуқни қўллаш ҳужжатларига бўлиш мумкин. Регулятив характердаги ҳукуқни қўллаш ҳужжатлари регулятив нормалар диспозициясини амалга

<sup>1</sup> Морозова Л.А. Теория государства и права. Учебник. –М.: Эксмо, 2010. –С. 255-256.

оширишни таъминлайди ва томонларнинг хуқуқ ёки мажбуриятларини ўрнатади ёки тасдиқлайди.

Хуқуқни қўллаш ҳужжатларини, шунингдек уларни қабул қилган субъектларга қараб ҳам таснифланади: 1) давлат органларининг ҳужжатлари; 2) жамоат бирлашмаларининг ҳужжатлари. Давлат органлари ҳужжатлари ҳам ўз навбатида қўйидаги турларга ажратилиши мумкин: давлат бошқарув органлари ҳужжатлари, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг индивидуал характердаги ҳужжатлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа марказий идораларнинг индивидуал ҳужжатлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг индивидуал ҳужжатлари, суд органлари ҳужжатлари, прокуратура органлари ҳужжатлари, нотариат органлари ҳужжатлари ва бошқалар.

Хуқуқни қўллаш ҳужжатларини ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги аҳамиятига қараб ёрдамчи ва асосий ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига бўлиш мумкин. Масалан, суднинг жиноий иш юзасидан чиқарган хукми асосий ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари сирасига кирса, суднинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарори эса қўшимча ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг энг кўп тарқалгани албатта, бу алоҳида ҳужжат шаклидагисидир. Бундай ҳужжатларга мисол тариқасида суднинг ажрими, суднинг хукми, никоҳдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома ва бошқаларни келтириш мумкин. Иккинчи кўринишдаги ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига эса, текшириш натижаларини прокуратурага ошириш ҳақидаги резолюция, ёки айлов хulosасига прокурорнинг резолюцияси ва бошқаларни киритиш мумкин. Айрим ҳолларда ҳуқуқни қўллаш оғзаки шаклда бўлиши мумкин, масалан, суд залидан гувоҳни чиқариб юбориш кабилар.

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини яна индивидуал ва умумий аҳамиятли ҳужжатларга ҳам бўлиш мавжуд. Индивидуал ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари аввалдан аниқ бўлган конкрет шахсларга тааллуқли бўлади, масалан, пенсия тайинлаш, никоҳдан ўтиш, суднинг ҳал қилув қарори, хукми ва

<sup>1</sup> Малько А.В. Проблемы правовых средств. / Проблемы теории государства и права. – М.: Юристъ, 2016. – С.359.

ҳоказолар. Ҳукуқни қўллаш ҳужжатларининг аксарияти мана шу гурухга киради.

Шунингдек, ҳукуқни қўллаш ҳужжатларини бир марта ҳаракат қилувчи ҳужжатларга ва ҳаракати муайян вақт давом этадиган ҳужжатларга ажратиш мумкин. Биринчисига мисол тариқасида, хайфсан эълон қилиш тўғрисидаги буйруқ, орден ёки медаль билан мукофотлаш ҳақидаги фармон кабиларни келтириб ўтиш мумкин бўлса, иккинчисига, олий ўқув юрти талабаси сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ, пенсия тайинлаш ҳақидаги қарор кабиларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳаракати узоқ давом этади ёки даврий равишда қайтарилиб турилади.

Юридик манбаларда ҳукуқни қўллаш ҳужжатлари қуидагича бўлинган: ҳукуқни қўллашни амалга оширувчи субъектларга нисбатан; ҳукуқни қўллаш ҳужжатларини ҳукукий тартибга солиш предметига нисбатан; ҳукуқни қўллаш фаолиятининг шаклига нисбатан; функционал белгисига нисбатан; ташқи ифодаланиш шаклига нисбатан; юридик аҳамиятига нисбатан; ҳаракат вақтига нисбатан.

Ушбу тасниф ичida ҳукуқни қўллаш ҳужжатларини ташқи ифодаланиш шаклига қараб ажратиш алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки улар ифодаланиши ўз хусусиятига эга бўлганлиги боис, уларни маҳсус тарзда кўриб чиқиш зарур.

Демак, ҳукуқни қўллаш ҳужжатлари ушбу мезонга кўра ҳужжат-хужжатларга ва акт – ҳаракатларга бўлинади. Ҳукуқ қўлловчи акт-хужжат бу – ваколатли давлат органи томонидан тегишли тартибда ва шаклда расмийлаштирилган, ёзма шаклдаги ҳужжат ҳисобланади. Унда ишнинг ҳолатлари батафсил мустаҳкамланади. Акт-хужжатлар турлича тузилишга эга. Бундай бўлишининг боиси – кўрилаётган ишнинг ва у бўйича чиқариладиган қарорнинг аҳамияти ва ҳукуқни қўлловчи органнинг мақоми билан боғлиқдир.

Акт-хужжатларни тузилишига қараб, қуидаги гурухларга ажратиш мумкин: а) тўртта асосий қисмни, яъни кириш қисми, баёний қисм, асослантирувчи қисм ва хulosса қисмидан иборат бўлиши мумкин (масалан, суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори ва бошқа актлар); б) уч қисмдан иборат бўлган, яъни кириш, баёний ва хulosса қисмдан иборат тарзда бўлган ҳужжатлар (тергов ва

маъмурий органлар томонидан қабул қилинадиган баёнлар); в) икки қисм – кириш ва хулоса қисмидан иборат бўлган ҳужжатлар (муайян ҳаракатларни содир этишга рухсат берувчи ҳужжатлар); г) юқорида кўрсатилган қисмларга эга бўлмаган, бироқ тегишли мансабдор шахснинг “ижро этилсин”, “рад этилсин”, “тасдиқлансан” каби буйруқ-резолюцияларига эга бўлган акт-ҳужжатлар.

Таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда ваколатли субъектнинг айрим белгили ҳаракатлари ҳам ҳуқуқни қўллаш акти ўрнини босиши мумкин. Масалан, чорраҳада турган йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимининг қўлидаги маҳсус таёқчаси ҳаракати йўловчи ва транспорт учун юридик аҳамиятга эга бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Юридик адабиётларда бундай ҳуқуқни қўллаш актлари конклюдент актлар, деб юритилади. Бундай ҳужжатлар ҳам худди ёзма ҳуқуқни қўллаш ҳужжати каби юридик аҳамиятга молик ва юридик оқибатлар туғдиради. Уларни бажармаслик, тегишлича интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкин. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг турли таснифлари уларнинг мазмун ва моҳиятини тўла тушуниб этишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ўз мазмунига кўра жуда хилма-хил бўлиб, инсонлар ва турли тузилмалар ўртасидаги аҳамиятли муносабатларнинг аксари қисмини ўз ичига қамраб олади. Юқоридагиларга асосланиб шундай фикрга келиш мумкинки, ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий қиймати, оқибат натижада ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида ўзининг ифодасини топади, яъни юридик мазмундаги ҳолатларга конкрет ҳуқуқ нормаси татбиқ этилиши орқали юридик масала ҳал этилади ва шу тариқа ҳуқуқнинг пировард мақсади – ижтимоий муносабатларни тартибга солиш натижасида жамиятда барқарорлик ваadolat ўрнатилади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига бир қатор талаблар қўйилади. Бундай талаблар қаторида ҳар қандай ҳуқуқни қўллаш

<sup>1</sup> Пулатова Н.С. Юридик воситалар - ҳукукий тартибга солиш механизмининг таркибий элементи сифатида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Тошкент: 2009. –№3–4. –Б. 87–90.; Пулатова Н.С. Ҳукукий тартибга солиш механизмида суд ҳужжатларининг тутган ўрни // Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами.–Тошкент: ТДЮИ, 2010. –№4. –Б. 3–9.

хужжати албатта, ҳар жиҳатдан асосланган бўлиши кераклиги, ҳуқуқни қўллаш хужжатини қабул қилишда қонунийлик талабига риоя этилиши лозимлиги, ҳуқуқни қўллаш хужжатини қабул қилишда мақсадга мувофиқлик тамойилига амал қилиш зарурлиги кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>1</sup>.

Ҳуқуқни қўллаш хужжатлари асослантирилганлик, қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик тамойиллари талабларига жавоб бериши лозим.

#### **4. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

Давлат ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларига ҳуқуқий таъсир ўтказиш, яъни ушбу соҳалар доирасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш орқали келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил зиддиятли ҳолат ва бўшлиқларнинг олдини олиб боради.

“Коллизия” (лотинча *collisio*-тўқнашув) – қарама-қарши кучларнинг, ҳаракатларнинг, манфаат ва қарашларнинг тўқнашуви маъносини англатади. Бир сўз билан айтганда, коллизия – бу конфликт, номувофиқлик, тафовут, зиддиятдир.

**Қонун ҳужжатлари ўртасидаги коллизиялар** – бу муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги тафовут, қарама-қаршилик, номувофиқлик ва зиддиятлардир.

Қонун ҳужжатлари ўртасидаги коллизиялар ҳуқуқни тушунишда турли хил ёндашувлар, қарашларнинг мавжудлигига ва миллий ҳуқуқ тизим доирасидаги турли нормаларнинг тўқнашувида юзага келади.

Миллий қонунчилигимиздаги коллизияларнинг қўйидаги турларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар ўртасидаги коллизиялар. Агарда, мазкур турдаги коллизиялар юзага келса, масала қонун фойдасига ҳал этилади. Чунки қонун юқори

<sup>1</sup> Қаранг: Малько А.В. Проблемы правовых средств / Проблемы теории государства и права. –М.: Юристъ, 2016. –С.359.

юридик кучга эга ва унинг устунлиги таъминланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 ва 16-моддалари). Бир мавзуга оид бир неча қонун (ёки бошқа норматив-хуқуқий хужжат) мавжуд бўлса ҳамда улар бир-бирига зид бўлиб қолса, муддати бўйича кейинроқ қабул қилинган қонун (хужжат) қоидалари амал қиласи.

2. Конституция билан бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизиялар. Бундай юридик ихтилофлар Конституция фойдасига ҳал этилади, чунки Конституция барча қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида мустаҳкамланганидек, “бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-хуқуқий хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган коллизиялар. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас (74-модда). Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига тўла мос бўлиши шарт.

4. Мамлакатнинг миллий қонунчилиги нормалари билан ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги коллизиялар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида мустаҳкамланганидек, Ўзбекистонда ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади<sup>1</sup>.

Норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни фақат ҳуқуқ нормалари ўртасидаги тўқнашув, деб ҳисоблаш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки ушбу тушунчага нисбатан бундай

<sup>1</sup> Худойбердиев А.Қ. Миллий қонунчилигимизда коллизион масалалар // Юридик конфликтларни олдини олиш ва уларни ҳал этиш механизмини такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси тўплами.– Тошкент: ТДЮИ, 2013. – Б.106-107.

чекланган ёндашув коллизия ҳодисасини илмий тадқиқ этиш доирасини анча торайтиради. Бинобарин, “мос келмаслик” сўзининг мазмуни доираси “зиддият” (коллизия) тушунчасининг мазмунидан кенгроқ масалаларни ўз ичига қамраб олади. Шу жиҳатдан олганда, қонунчиликдаги коллизиялар ҳам зиддиятлар шаклида, ҳам ҳуқуқ нормалари ўртасидаги фарқлар кўринишида намоён бўлиши мумкинлигини қайд этиш жоиз<sup>1</sup>.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизиялар тушунчаси юзасидан юқорида келтириб ўтилган ёндашувларни умумлаштирган ҳолда мазкур тушунчага тор ва кенг маънода таъриф бериш лозим. Тор маънода норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизиялар деганда, икки ва ундан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги зиддиятларни тушуниш мумкин. Кенг маънода эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизия деганда, бир хил ёки ўхшаш бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги, шунингдек ҳуқуқни қўллаш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган зиддият ёки тафовутларни тушуниш лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизия тушунчасининг мазмуни ва ҳуқуқий табиати юзасидан хulosа қилар эканмиз, бунда мазкур салбий ҳодисанинг турли кўринишларда намоён бўлишини ҳам қайд этиш лозим бўлади. Бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизиялар тушунчасига нисбатан ёндашувларнинг кўп жиҳатлилиги ва хилма хиллиги уларни муайян тарзда таснифлаш заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, қонунчиликдаги коллизияларнинг юридик табиатини очишда унинг турли хил кўринишларда намоён бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

### **Қонун ҳужжатлари ўртасидаги коллизияларнинг белгилари қўйидагилар ҳисобланади:**

- жамият ижтимоий ривожланишида объектив тарзда юзага келадиган қарама-қаршилик ва зиддиятлар билан боғлиқ;
- ўзининг формал характерга эгалиги;

<sup>1</sup> Saydullaev Sh., Ergashev M. Yuridik konfliktologiya. O'quv qo'llanma – T.: TDYU, 2018. – B.48.

– муайян турдаги ижтимоий муносабатларнинг бир қатор хукуқ нормалари билан тартибга солинган ҳолдагина юзага келиши;

– хукуқ субъектларининг ўз хукуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши ва бошқалар.

**Қонун ҳужжатлари ўртасидаги коллизияларнинг келиб чиқишига қўйидаги омилларни сабаб сифатида кўрсатиш мумкин:**

Биринчидан, объектив, яъни ижтимоий муносабатларнинг доимий тарзда ривожланиб ва ўзгариб бориши натижасида юзага келади. Бунда хукуқ ижодкори доим ҳам тегишли ўзгаришларга мос равишда хукуқ нормаларини шакллантириб боришга улгурмаслиги мумкин. Иккинчидан, субъектив, яъни етарли тарзда ҳуқуқий маданият, демократик анъаналар ва тажрибанинг мавжуд эмаслиги; қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифат даражаси пастлиги; ҳукуқдаги бўшлиқларнинг мавжудлиги; хукуқ ижодкорлиги жараёнининг лозим даражада мувофиқлашмаганлиги; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қатъий ва тўлиқ тизимлаштирилмаганлиги; тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар; бюроқратизм ва бошқа омилларда юзага келиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари ўртасидаги коллизияларнинг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатлари, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, бир орган томонидан қабул қилинган турли ҳужжатлар, турли хил органлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда умумий ва маҳсус ҳужжатлар ўртасида юзага келадиган турларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги **коллизияларни ҳал этиш йўллари** ҳамда усул ва воситалари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади. Шу боис қонунчиликда белгиланмаган восита ва усуллар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш механизмига кирмайди.

Тегишли адабиётларни таҳлили асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш механизмига

қуидагича таъриф бериш мумкин: қонунчиликдаги коллизияларни ҳал этиш механизми – бу норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги зиддиятларни енгиб ўтиш ва ҳал этишга қаратилган ўзаро алоқадор юридик воситалар ва усулларнинг ийғиндисидир<sup>1</sup>.

Норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш механизми муайян элементлардан ташкил топган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш субъектлари (масалан, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш субъектлари ва бошқалар);
- норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни тугатиш ва ҳал этишга асос бўлиб хизмат қилувчи тамойиллар ва нормалар;
- норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш жараёнида тегишли субъектлар ўртасида юзага келадиган коллизион-хуқуқий муносабатлар;
- норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш усул ва тартиблари;
- норматив-хуқуқий хужжат, ҳуқуқни қўллаш ёки шарҳлаш акти кўринишида намоён бўладиган ва қонун хужжатларидағи коллизияларни ҳал этишга қаратилган хulosавий хужжатлар.

Юқорида қайд этиб ўтилган элементлар, биргаликда норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этишнинг динамик механизмини ташкил қиласди.

Ўз навбатида, норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш қуидаги усулларда амалга оширилади:

- ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида;
- қонунчиликни тизимлаштириш орқали;
- қонунчилик хужжатларини уйғунлаштириш;
- норматив-хуқуқий хужжатларни шарҳлаш;
- суд ҳамда музокара тартиблари ва бошқалар.

Ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориевнинг фикрича, юридик коллизияларни ҳал этишнинг энг кенг тарқалган усуллари қуидагилардан иборат: 1) шарҳлаш; 2) янги ҳуқуқий хужжатни

<sup>1</sup> Saydullaev Sh., Ergashev M. Yuridik konfliktologiya. O'quv qo'llanma – T.: TDYU, 2018. –B.53.

қабул қилиш; 3) эски хужжатни бекор қилиш; 4) амалдаги хукуқий ҳужжатга ўзгартиш ёки аниқликлар киритиш; 5) ишларни суд тартибида, маъмурий процедура воситасида кўриш; 6) қонунчиликни тизимлаштириш, юридик нормаларни ўзаро мувофиқлаштириш; 7) музокаралар олиб бориш, келишув комиссияларини тузиш; 8) конституциявий одил судлов; 9) назария билан амалиётнинг оқилона алоқадорлигини ташкил этиш (таъминлаш); 10) халқаро процедуралар<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, норматив-хукуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш усуллари тизимида ҳукуқ ижодкорлиги ўзининг самарадорлиги ва ҳукуқий жиҳатдан мухим аҳамиятга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳукуқ ижодкорлиги ижтимоий муносабатларни ҳукуқий тартибга соладиган ҳамда ўрнатиш бўйича расмий мақомга эга бўлган умуммажбурий нормаларни ягона ва мақсадга мувофиқ тизим сифатида яратиш ва ривожлантириш жараёнидир. Ҳукуқ ижодкорлиги жараёнида янги ҳукуқ нормалари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бунда биринчи навбатда, давлат фаолиятининг белгиланган вазифалари ўз ифодасини топади.

Маълумки, ҳукуқ ижодкорлиги коллизияларни бартараф этишнинг қонун ҳужжатлари асосида амалга ошириладиган усулидир. Айни пайтда, норматив-хукуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизияларни ҳал этишнинг мазкур шакли ўз ичига қуидаги ҳукуқий воситаларни қамраб олади:

- муайян норматив-хукуқий ҳужжатлар ўртасидаги коллизияга киришаётган бир ёки бир нечта нормаларни бекор қилиш;
- янги ҳукуқ нормасини (норматив-хукуқий ҳужжатни) яратиш ва шу асосда зиддиятли нормаларни ўз кучини йўқотган, деб топиш;
- амалда бўлган ҳукуқ нормасига (норматив-хукуқий ҳужжатга) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- коллизион нормаларни чиқариш ва бошқалар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Odilqoriev X. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – Toshkent: Adolat, 2018. – В.428.

<sup>2</sup> Эргашев М.М. Қонунчиликдаги коллизиялар ва уларни ҳал этиш механизми. – Т.: ТДЮИ, 2013. – Б.15.

### ХУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ

– бу давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқуқ нормаларини жисмоний ва юридик шахслар фаолиятида ҳаётга татбиқ этилишидир.

#### 2. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари: риоя этиш, ижро этиш, фойдаланиш ва қўллаш

##### ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ

- Риоя этиш орқали тақиқловчи нормалар амалга оширилади. Ушбу шаклнинг моҳияти тақиқланган ҳаракатларни содир этишдан пассив ҳолатда ўзини тийишдан иборат

##### ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ БАЖАРИШ

- Ҳуқуқни амалга оширишнинг ушбу шакли ҳуқуқ субъектларидан мажбурий кўрсатмаларни ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ фаол ҳаракатларни талаб қиласди

##### ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

- Ҳуқуқдан фойдаланиш шахсга берилган ҳуқуқларини амалга оширишга йўналтирилган

## ХҮҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚҮЛЛАШ ЖАРАЁНИ БОСҚИЧЛАРИ

1.

- хүқуқ нормалари билан тартибга солиниши лозим бўлган юридик ишнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш

2.

- кўрилаётган юридик ишга мос келадиган хўқуқ нормасини танлаб олиш

3.

- кўрилаётган юридик ишга мос келадиган хўқуқ нормасининг мазмунини аниқлаш ва ўни шарҳлаш

4.

- кўрилаётган масалага оид танлаб олинган хўқуқ нормаларининг қўлланиш актини чиқариш

5.

- хўқуқни қўллаш акти чиқарилгандан сўнг, унинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш

6.

- хўқуқни қўллаш актининг амалда бажарилишини текшириш ва унинг ўстидан назорат ўрнатиш

## Қонун ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятлар ва уларни ҳал этиш йўллари

Қонун ҳужжатлари ўртасидаги  
зиддиятлар

— бў муйян турдаги ижтимоий  
муносабатларни тартибга солишга қаратилган  
норматив-хўкуқий ҳужжатлар ўртасидаги  
қарама-қаршилик, тафовут ва зиддиятларdir

## ҚОНУН ҲҰЖКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИҢ ҮЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1 • жамият ижтимоий ривожланишида объектив тарзда юзага келадиган қарама-қаршилик ва зиддиятлар билан боғлиқ
- 2 • үзининг формал характерга эгалиги
- 3 • муайян турдаги ижтимоий муносабатларнинг бир қатор ҳуқук нормалари билан тартибга солинган ҳолдагина юзага келиши
- 4 • ҳуқук субъектларининг ўз ҳуқук ва мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида муайян қийинчиликларни көлтириб чиқариши ва бошқаларда.

## ҚОНУН ҲҰЖЖАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КОЛЛИЗИЯЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

зиддиятлы ҳужжатлар ўрнига янги норматив-хуқуқмій ҳужжатни қабул қилиш

зиддиятлы ҳужжатлардан биттасини бекор қилиш

жорий ҳужжатта ўзгартириш ва аниқлик киритиш

коллизион ҳолатларда юзага келадиган баҳсларни күриб чиқишининг суд тартибини ўрнатиш

хуқук нормалари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида мазкур нормаларни шархлаш

## **Муаммоли саволлар**

**1.** Маълумки, тегишли қонунчиликда норматив-хуқуқий хужжатларнинг турлари ва уларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган субъектлар қатъий белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, норматив-хуқуқий хужжатлар тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан муайян ишга нисбатан қарор чиқариш (қўллаш) жараёнида ҳаётга татбиқ этилади. Мазкур жараёнда норматив-хуқуқий хужжатнинг мазмунида кўрсатилган қоидалар баъзан реал ҳаётий вазиятларга ёки ижтимоий муносабатларга муайян маънода мос келмаслиги ҳам мумкин.

Шундай вазиятда айрим хуқуқни қўлловчи субъектлар хуқуқни қўллаш хужжатида акс этган казуал шарҳ ва хуқуқ ижодкорлиги субъекти томонидан яратилган норматив-хуқуқий хужжат мазмuni ўртасида тафовут юзага келса, қайси бири хуқуқий жихатдан устувор аҳамиятга эгалиги бўйича муаммога дуч келадилар.

*Сизнингча, масала қандай ҳал этилиши керак? Вазиятга хуқуқий баҳо беринг ва унинг ечимини топинг.*

**2.** Турли норматив-хуқуқий хужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилган органларнинг ваколати ва хуқуқий мақомига, ушбу хужжатларнинг турларига хамда норматив-хуқуқий хужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Хуқуқни қўллаш жараёнида норматив-хуқуқий хужжатларнинг ўзаро нисбати муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликда норматив-хуқуқий хужжатларнинг ўзаро нисбатига оид нормалар етарлича ўз ифодасини топган. Хусусан, норматив-хуқуқий хужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юридик жихатдан юкорида турувчи норматив-хуқуқий хужжат қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Аммо, юридик амалиётда тенг юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар, яъни қонунлар, вазирлик, давлат қўмитаси ёки бошқа идораларнинг қарорлари ўртасида ҳам тафовутлар юзага келиб туради.

Сизнингча, юқорида келтириб ўтилган вазият юзага келган тақдирда, масала қандай ҳал қилиниши лозим?

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ва унинг ечимини топинг.*

**3. Ҳуқуқни татбиқ этиш замон билан ҳамнафас кечадиган мураккаб жараёндир.** Унда нафақат субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият эгалари, балки турли органлар – ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш органлари тимсолида давлат ҳам иштирок этиши намоён бўлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳуқуқни ижтимоий ҳаётга жорий қилиш жараёни сифатида тушуниладиган ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни амалга оширишнинг юридик механизмларидан ҳамда амалдаги ҳаётий муносабатлар юридик шаклга кирган бевосита ҳуқуқни амалга ошириш шаклларидан ташкил топади.

*Ҳуқуқни амалга ошириша давлат органларининг иштирокини муҳокама қилинг ва мисоллар орқали фикрингизни исботланг.*

**4. Юридик адабиётларда ҳуқуқни амалга ошириш субъектлари сифатида икки шаклни, яъни индивидуал ва жамоа шаклини ажратиб қўрсатиш мумкин.** Агар ҳуқуқлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланишини эътиборга оладиган бўлсак, ҳуқуқни амалга ошириш субъекти сифатида мансабдор шахслар ҳам эътироф этилади.

*Ҳуқуқни амалга оширишининг субъектлар доирасини муҳокама қилинг ва мисоллар келтириб ўтинг.*

**5. Маълумки, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга мувофик, Конституция ва қонунлар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устун ҳисобланади.** Ҳуқуқни қўллаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир-бирига зидлиги, улар ўртасида тафовут ҳолатлари ҳам аниқланиб турилади . Уларни ҳал этишнинг бир қатор усувлари мавжуд.

*Масалани атрофлича таҳлил қилинг ва юридик коллизияларни бартараф этиши усулларига мисоллар келтиринг.*

**6.** Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ти Қонунининг 8-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан, шунингдек конституциявий қонунлар тарзида ҳам қабул қилиниши мумкинлиги, кодекслар эса қонунлар билан тасдиқланиши белгилаб қўйилган. Аммо, “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ти қонунининг 5-моддасида ушбу коидалар ўз аксини топмаган. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонун нормаларига кодекс нормалари мос келмайдиган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Агар, юридик амалиётда шундай ҳолатлар юзага келадиган бўлса, масала қандай ҳал этилади.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ва масаланинг ечимини топинг.*

**7.** Юридик адабиётларда ҳуқуқни амалга оширишнинг тўрт шаклини фарқлаш кераклиги кўрсатилиб, унинг асосий шаклларидан бири сифатида ҳуқуққа риоя этиш келтириб ўтилади. Ҳуқуққа риоя этиш орқали тақиқловчи нормалар амалга оширилиб, бу шаклнинг моҳияти тақиқланган ҳаракатларни содир этишдан пассив ҳолатда ўзини тийишдан иборатлиги белгиланган. Лекин, шахслар қонун –коидаларга кундалик ҳаётда риоя этишлари учун ҳар доим ҳам тақиқловчи нормаларнинг мавжудлиги шарт эмаслигини кўришимиз мумкин.

*Ҳуқуқни амалга ошириш шакли сифатида ҳуқуққа риоя этишининг ўзига хос жиҳатлари нимада? Масаланинг ечимини топинг ва амалиётдан мисоллар келтириб ўтинг.*

**8.** Маълумки, ҳуқуқни қўллаш жараёни уч асосий босқичдан иборат. Булар –муайян ишнинг фактик ҳолатини аниклаш, иш бўйича ҳуқуқий ҳолатни аниклаш ва иш юзасидан қарор қабул қилиш босқичлари. Сизнингча, ҳуқуқни қўллаш жараёни биринчи босқичининг мақсади нима?

*Масаланинг ечимини топинг ва ҳуқуқни қўллаш биринчи босқичининг иккинчи ва учинчи босқичлар учун амалий аҳамиятини кўрсатиб беринг.*

**9.** Ҳуқуқни қўллаш – ваколатли ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган талабларни амалга оширишга каратилган фаолиятдир. Маълумки , ҳуқуқни қўллаш жараёни муайян ишни ҳал этиш ва ҳуқуқни қўллаш хужжатини чиқариш билан якунланади. Сизнингча, ҳуқуқни қўллаш хужжатларининг қандай турлари мавжуд? *Саволга жавоб беринг ва юридик амалиётдан мисоллар келтиринг.*

**10.** Қонун ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятлар ҳуқуқни тушунишдаги турли ёндашувлар , қонун ҳужжатлари етарли даражада мониторинг қилинмаслиги ва миллий ҳуқуқ тизимидағи турли нормалар ўртасидаги номувофиқлик натижасида юзага келади. Сизнингча, қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этишнинг қандай усуллари мавжуд?

*Саволга жавоб беринг ва амалий мисоллар келтириб ўтинг.*

## **ТЕСТЛАР**

**1. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси доирасига қайси жавоб тегишли эмас?**

- а)** \* субъект томонидан диний-ахлоқий меъёрларда кўрсатилган имкониятлардан фойдаланиш
- б)** тегишли давлат органларининг ҳуқуқ меъёрлари талабларни амалга оширишга қаратилган фаолияти
- в)** ҳуқуқ меъёрларида кўрсатилган ҳуқуқ субъектларининг реал фаолиятида ва ўзини тутишда мужассам бўлиши
- г)** ҳуқуқ субъектларнинг ҳуқуқ меъёрлари томонидан ман этилган ҳаракатларни амалга оширмасликлари

**2. Ҳуқуқ нормаларини қўллаш деганда нимани тушунасиз?**

- а)** \* ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан индивидуал қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ҳокимий фаолият
- б)** ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган мажбурият юкловчи қонунларни фаол ҳаракатлар билан бажариш
- в)** ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг ўз ҳукуқларидан фойдаланиши
- г)** одат нормаларида белгиланган мажбуриятларни бажариш ва ман этилган ҳаракатларни содир этмаслик

**3. Ҳукуқ нормаларидан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?**

- а)** \* ижтимоий муносабатлар қатнашчиларининг тегишли нормаларда назарда тутилган ҳукуқларидан фойдаланишни
- б)** маълум юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқуқ нормаларига асосланиб чиқарилган қарорни
- в)** ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбуриятларни бажариш ва ҳуқуқ нормалари ман этган ҳаракатларни содир этмасликни

**г) ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган мажбурият юкловчи нормаларни фаол ҳаракатлар билан бажаришни**

**4. Қуидаги келтириб ўтилган мисоллардан ҳуқуқ нормаларини бажариш тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

**а) \*** мажбурият юкловчи ҳуқуқ нормаларини фаол ҳаракатлар билан бажариш

**б) ҳуқуқ нормалари ман этган ҳаракатларни содир этмаслик**

**в) тегишли нормаларда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш**

**г) ваколатли органлар томонидан индивидуал қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ҳокимий фаолият**

**5. Субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати бўйича ҳуқуқни амалга ошириш шаклини топинг.**

**а) \*** индивидуал ва жамоавий

**б) мажбурий ва ўз хоҳиши бўйича**

**в) актив ва пассив**

**г) тўғри жавоб берилмаган**

**6. Қуида келтириб ўтилган мисоллардан ҳуқуқни кўллаш ҳужжатлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

**а) \*** Президентнинг индивидуал фармони ва ҳоким қарори

**б) ҳуқуқий одат ва суд ҳукми**

**в) сиёсий партия қарорлари ва қонун ости ҳужжати**

**г) нисбий белгиланган санкция ,муқобил санкция**

**7. Ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш деганда нимани тушунасиз?**

**а) \*** ҳукуқ нормалари ман этган ҳатти - ҳаракатларни содир этмасликни

**б) ижтимоий муносабатлар катнашчиларининг тегишли нормаларда назарда тутилган ҳуқуқларидан фойдаланишни**

**в) муайян юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки ҳукуқ нормаларга асосан қарор қабул қилишни**

г) мажбурият юкловчи қонунларни фаол ҳаракатлар билан бажаришни

**8. Ҳуқуқни қўллашнинг асосий босқичлари тўғри белгиланган жавобни топинг.**

а) ҳуқуқ нормаси билан тартибга солиниши лозим бўлган юридик ишнинг фактик томонини ўрганиш

б) юридик кучга эга бўлган тегишли қарор-ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш

в) кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини таҳлил қилиш ва татбиқ этиш

г) \* барча жавоблар тўғри

**9. Ҳуқуқ нормасини амалиётга татбиқ этишдан асосий мақсад нима?**

а) жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш

б) фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

в) ижтимоий муносабатларни тартибга солиш

г) \* барча жавоблар тўғри

**10. Ҳуқуқни татбиқ этувчи субъектлар фаолияти хусусиятига кўра ҳуқуқни татбиқ этиш шакли берилмаган жавобни топинг.**

а) \* ҳуқуқ нормасини ўрганиш

б) ҳуқуқ нормасига риоя қилиш

в) ҳуқуқ нормасини қўллаш

г) ҳуқуқ нормасидан фойдаланиш

**11. Ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш шакллари белгиланган жавобни топинг.**

а) \* риоя қилиш, бажариш, фойдаланиш, ҳукуқни қўллаш

б) ўрганиш, бажариш ва амалга ошириш

в) риоя қилиш, шарҳлаш ва ҳукуқни татбиқ қилиш

г) ҳукуқни ижод қилиш, қабул қилиш, қўллаш

**12. Ҳуқуқни амалга ошириш деганда нимани тушунасиз?**

- а)** \* давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқуқ нормаларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилишидир
- б)** фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун давлат томонидан ҳуқуқ нормасини қўллаш
- в)** яратилган ҳуқуқ нормасини амалиётга татбиқ қилиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда синааб кўриш
- г)** тўғри жавоб йўқ

**13. Қўйида келтириб ўтилган мисоллардан ҳуқуқни амалга оширишнинг маҳсус шакли белгиланган жавобни топинг.**

- а)** \* ҳуқуқни қўллаш
- б)** ҳуқуқни шарҳлаш
- в)** ҳуқуқни ижод қилиш
- г)** ҳуқуқни муҳофаза қилиш

**14. Қўйидаги жавоблардан қайси бири ҳуқуқни қўллашнинг ўзига хос ҳусусияти ҳисобланмайди?**

- а)** \* ҳуқуқни қўллаш ҳар доим давлат-ҳокимият фаолияти сифатида давлат номидан амалга оширилмайди
- б)** ҳуқуқ нормаси уни қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади
- в)** ҳуқуқни қўллаш давлат фаолиятининг муҳим бир шакли ҳисобланади
- г)** ҳуқуқни қўллаш ҳар доим қонунларда аниқ белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади

**15. Қайси ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга?**

- а)** \* давлат органлари ва мансабдор шахслар
- б)** жисмоний ва юридик шахслар
- в)** барча инсон ва фуқаролар
- г)** фуқаролар, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл фуқаролари

**16. Ҳуқуқни қўллаш хужжатлари ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш шаклига кўра қандай турларга бўлинади?**

- а) \* ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи
- б) қўриқловчи ва фармойиш берувчи
- в) ижро этувчи ва ташкилий
- г) тарбияловчи ва жазоловчи

**17. Юридик коллизиялар деганда нималарни тушунасиз?**

- а) қонунлар ва қонун ости хужжатлари ўртасидаги зиддиятларни
- б) қонунчиликдаги номувофикалик ва қарама-қаршиликни
- в) Конституция ва жорий қонунлар ўртасидаги тафовутларни
- г) барча жавоблар тўғри

**18. Қонунчиликда юридик коллизиялар вужудга келмаслиги учун аввало нимага катта эътибор қаратиш зарур?**

- а) қонунчиликни тизимлаштиришга
- б) қонунчилик жараёнига
- в) қонунчилик техникасига
- г) зиддиятларни бартараф этиш техникасига

**19. Ҳуқуқни қўллаш хужжатларига хос бўлган жавобни аниқланг.**

- а) \* ҳуқуқни қўллаш хужжатлари кўп марта қўлланилиб, кейинчалик қонун даражасига қўтарилади
- б) улар ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилади
- в) ҳуқуқни қўллаш хужжатлари қатъий индивидуаллашган бўлиб, улар аниқ шахслар ва ҳодисаларга қаратилган бўлади
- г) ҳуқуқни қўллаш хужжатларининг бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади

**20. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига қўйилган талаблар келтирилган тўғри жавобни топинг.**

- а) мазкур ҳужжатлар қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қабул қилинган бўлса, уларга аниқ мос келиши
- б) бу ҳужжатлар ҳуқуқни қўлловчи орган ёки мансабдор шахснинг ваколати доирасида қабул қилиниши
- в) ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига расмий тус берувчи барча зарур реквизитларга эга бўлиши
- г) \* барча жавоблар тўғри

**21. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари қарорни ифодалаш усулига кўра қандай турларга бўлинади?**

- а) \* қўриқловчи, муҳофаза этувчи
- б) умумий ва хусусий
- в) ижро ҳокимияти органлари ҳужжатлари; суд органлари ҳужжатлари
- г) акт – ҳужжатлар, акт – ҳаракатлар

**22. Ҳуқуқни амалга ошириш субъектларига кўра қандай турларга бўлинади?**

- а) \* индивидуал ва жамоа томонидан
- б) жисмоний ва юридик шахслар томонидан
- в) фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган ва чет эл фуқаролари томонидан
- г) давлат ва нодавалат органлари томонидан

**23. Ҳуқуқни қўллаш деганда нимани тушунасиз?**

- а) \* ваколатли ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳуқуқни амалиётда татбик этишга қаратилган фаолият
- б) жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳуқуқни бажарилиши
- в) муайян шахс томонидан ўзининг ҳуқуқларини амалга оширилиши
- г) барча ҳуқуқ субъектлари томонидан фаол ҳаракатларни амалга ошириш

**24. Ҳуқуқни қўллашнинг қандай шакллари мавжуд ?**

- а) ёзма
- б) оғзаки
- в) кўрсатма
- г)\*барча жавоблар тўғри

**25. Қўйида келтириб ўтилган ҳуқуқий хужжатлардан қайси бири ҳуқуқни қўллаш хужжати эмас?**

- а)\*қонун
- б) хукм
- в) буйруқ
- г) ажрим

**26. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятига кўра ҳуқуқни қўллаш хужжатларининг қандай турлари мавжуд ?**

- а) \*ижро этувчи, муҳофаза қилувчи
- б) индивидуал, жамоавий
- в) нормал, легал
- г) фармонлар, қарорлар

**27. Қабул қилиш усулига кўра ҳуқуқни қўллаш актлари қандай турларга бўлинади ?**

- а) \* коллегиал, индивидуал
- б) асосий, ёрдамчи
- в) давлат бошлиғининг актлари, ҳукумат актлари
- г) бир марталик, кўп марталик

**28. Ҳуқуқий аҳамиятига кўра ҳуқуқни қўллаш хужжатлари қандай турларга ажратилади ?**

- а) \*асосий, ёрдамчи
- б) норматив, норматив бўлмаган
- в) индивидуал, коллегиал
- г) ижро этувчи, қўриқловчи

**29. Қуида келтириб ўтилган мисоллардан ёрдамчи хуқуқни қўллаш ҳужжатини топинг.**

- а) \*тиббий экспертиза тайинлаш тўғрисидаги суднинг қарори
- б) ижтимоий таъминот органининг пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарори
- в) суднинг муайян иш юзасидан чиқарган ҳукми
- г) ҳокимнинг муайян масалани ҳал қилишга қаратилган буйруғи

**30. Юридик коллизияларни ҳал этишнинг усуллари деганда нималарни тушунасиз?**

- а) \* коллизияларни бартараф қилишга қаратилган восита, усул ва механизmlарни
- б) шарҳлаш, тузиш ва бекор қилишни
- в) янги хуқуқий ҳужжатни яратиш, эскисига ўзгартиш киритиш ёки уни бекор қилишни
- г) қонунчиликни ислоҳ қилишни, қонунчиликни тизимлаштиришни, имплементация қилишни

# **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

## **1. Раҳбарий адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – 592 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь.

6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси (22 декабрь 2017 йил). – Т.: Ўзбекистон, 2018.

7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси (28 декабрь 2018 йил). – Т.: Ўзбекистон, 2019.

## **2. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 80 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда, 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 215-модда, 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 978-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 39-сон, 457-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон ,70-модда.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармони // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

### **3. Асосий адабиётлар**

1. Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 238 б.
2. Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 236 б.
3. Вопленко Н.Н. Реализация права: Учебное пособие. – В.: ВГУ, 2011. – 48 с.
4. Исламов З. Общество. Государство. Право (Вопросы теории). –Т.: Адолат, 2001. –695 с.
5. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – 916 б.
6. Лазарев В.В., Липень С.В., Сайдов А.Х. Теория государства и права. Учебник / под ред. акад. Абдурахманова К.Х. – М.: Рос. экон. акад., 2008. – 620 с.
7. Леушин В.И. Реализация и применение права. //Теория государства и права. – М.: Норма, 2012. – 402 с.
8. Малько А.В. Проблемы правовых средств / Проблемы теории государства и права. –М.: Юристъ, 2016. –С.359.
9. Нажимов М.К. Норма ижодкорлиги. –Т.: ТДЮУ, 2018. –181 б.
- 10.Общая теория права и государства. // Под общ. ред. В.В.Лазарева. – М.: Юристъ, 1996. – С.221.
- 11.Odilqoriev X. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – Т.: Adolat, 2018. – 528 b.

12. Сайдуллаев Ш. Ҳуқуқни амалга ошириш. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮУ, 2019. – 58 б.
13. Тихонравов Е. Ю. Пробелы и коллизии в праве. – М.: Проспект, 2017. – 80 с.
14. Эргашев М.М. Қонунчиликдаги коллизиялар ва уларни ҳал этиш механизми. –Т. :ТДЮИ, 2013. – 72 б.
15. Теория государства и права. Учебник. /отв. ред. А.В.Малько .-М.:КНОРУС,2009. - 400с.
16. Морозова Л.А. Теория государства и права. Учебник. - М.:Эксмо ,2010 .-510 с.
17. Нерсесянц В.С. Философия права. Учебник. -М.: ИНФРА.М- НОРМА, 1997.-652 с.
18. Лукашук И.И., Сайдов А.Х. Ҳозирги замон ҳалқаро ҳуқуқи назарияси асослари. Дарслик. -Т.: Адолат ,2006. -424 б.
19. Сайдов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий –ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция /Таржимон М.Акбаров. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012. -320 б.
20. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик /Масъул мухаррир Р.Юсувалиева. -Т.: ЖИДУ, 2019. -308 б.

#### **4. Қўшимча адабиётлар**

1. Палеха Р. Р. Природа правоприменения как особой формы реализации права: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. - Елец, 2006. – С.10.
2. Правоприменение: теория и практика / Отв. ред. Ю.А.Тихомиров. – М.: Формула права, 2008. – С. 26.
3. Пулатова Н.С. Юридик воситалар – ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг таркибий элементи сифатида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2009. №3–4.–Б. 87–90.
4. Saydullaev Sh., Ergashev M. Yuridik konfliktologiya. O‘quv qo‘llanma – Т.: TDYU, 2018. – B.48.
5. Худойбердиев А.Қ. Миллий қонунчилигимизда коллизион масалалар // Юридик конфликтларни олдини олиш ва уларни ҳал этиш механизмини такомиллаштириш муаммолари.

Республика илмий-амалий конференцияси тўплами.– Т.: ТДЮИ, 2013. – Б.106-107.

6. Шафиков Ю.С. Применение права //Экономика и право.2015. №8-9. –С. 50-54.

7. Казанков Я.Н. Пределы познания в применении права. //Сибирский юридический вестник .2016.№3(74). –С. 20 – 25 .

8. Мальцева Л.В. Применение права в современном обществе //Общество: политика, экономика, право. –2011.– №1.– С. 77-81.

9. Хахалев К.Р. К вопросу о способах применения права //Теория и практика общественного развития. 2014. –№21. – С.147.

## **5. Хорижий адабиётлар**

**1.** Hans Kelzen. General theory of law and state. – Cambridge: Harvard University Press, 2009. – 517 p.

**2.** Scott Veitch, Emilios Christodoulidis, Lindsay Farmer. Jurisprudence Themes and Concepts. Second edition. – London: Routledge publication, 2012. – 305 p.

**3.** Hart H.L.A. The Concept of Law. 3rd edition. – Oxford: Oxford university press, 2012. – 333 p.

**4.** Бернам У. Правовая система США. -М.: Новая юстиция, 2006. –1216 с.

## **6. Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.tsul.uz>
2. <http://www.norma.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.lex.uz>
5. <http://www.lawbook.ru>
6. <http://www.lawlibrary.ru>

**О.О. ҲУСАНБОЕВ**

**ХУҚУҚНИ ҚҮЛЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Ўқув-услубий қўлланма**

Муҳаррир: *Н.Ниязова*

Техник муҳаррир: *Х.Турдиев*

Мусахҳих: *Б.Боймуродов*

Компьютерда саҳифаловчи: *Ф.Хошимова*

Босишига руҳсат этилди: 22.11.2019 й. Бичими 60x84 1/16  
Офсет қофози. Рақамли босма усулда. Times гарнитураси.

Шартли босма табоғи 3. Нашр ҳисоб табоғи 2.

Адади 100 нусхада. Буюртма: № 189.

Гувоҳнома № 10-3719

“Тошкент кимё технология институти” босмахонасида чоп этилган.  
Босмахона манзили: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 32-уй.